

**А Ж Р И М***(иш юритишни тугатиши тўғрисида)*

Учкудук тумани

2023 йил 13 апрель

Учкудук туман иқтисодий суди, судья Д.Турдиев, даъвогар ХХХХХХнинг жавобгар “ХХХХХХ” фермер хўжалигига нисбатан киритган даъво аризасини соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и:**

ХХХХХХ (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “ХХХХХХ” фермер хўжалиги (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)дан 1.030.972 компенсация тўлови, 312.384 сўм пеня ва почта харажати ундиришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади)нинг 203<sup>2</sup>-моддасига мувофиқ агар даъвонинг баҳоси юридик шахсларга нисбатан - базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ошмаса, даъво аризалари бўйича ишлар соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилиши лозим.

ИПК 203<sup>4</sup>-моддаси иккинчи қисмига кўра жавобгар даъво аризаси юзасидан ёзма фикрини даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш кўзғатиш ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан ўн беш кунлик муддатда судга ўзи асосланаётган ҳужжатлар ва далилларни илова қилган ҳолда тақдим этишга ҳақли. Ёзма фикрга унинг кўчирма нусхаси даъвогарга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

Ишда даъвогарнинг даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар ҳамда ишни судда кўришга тайинлаш тўғрисидаги ажрим нусхаси жавобгарга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд.

Бироқ, жавобгар томонидан даъво ариза бўйича ёзма фикр иқтисодий иш соддалаштирилган тартибда кўриб чиқилгунга қадар судга тақдим этилмаган.

ИПК 203<sup>4</sup>-моддаси тўртинчи қисмига кўра, даъво аризасининг судга юборилиши ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар томонидан даъво аризаси юзасидан ёзма фикр тақдим этилмаганлиги даъво аризасини соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

Суд иш ҳужжатларини ўрганиб, қуйидаги асосларга кўра иш юритишни тугатишни лозим топади.

Иш материалларидан маълум бўлишича, жавобгар “ХХХХХХ” фермер хўжалиги юридик шахсларнинг ягона давлат реестридан чиқарилган бўлиб, ушбу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг 13.04.2023 йилдаги корхона ташкилотлар тўғрисидаги (<http://registr.stat.uz/>)дан олинган маълумот билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 55-моддасига кўра, юридик шахснинг тугатилиши ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиб қўйилганидан сўнг юридик шахсни тугатиш тамомланган, юридик шахснинг фаолияти эса тугаган ҳисобланади.



ИПК 110-моддасининг 4-бандига кўра, ишда тараф ҳисобланган юридик шахс тугатилган бўлса, суд иш юритишни тугатади.

ИПК 118-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасига асосан, агар иш судга тааллуқли бўлмаса, ишни юритиш тугатилганда давлат божи тўлиқ ёки қисман қайтарилиши керак. Ушбу иш бўйича даъвогар судга муурожаат қилганда давлат божини тўлашдан озод қилинган.

Юқоридаларга асосланиб, суд мазкур иш бўйича иш юритишни тугатишни, ишни кўриш билан боғлиқ давлат божини ундирмасликни ҳамда олдиндан тўланган 30.000 сўм почта харажати даъвогарнинг зиммасида қолдиришни лозим топди.

Бинобарин, ИПКнинг 110, 195-196, 203<sup>2</sup>, 203<sup>4</sup>-моддаларини қўллаб, суд

#### **а ж р и м қ и л д и:**

Даъвогар “XXXXXX”нинг жавобгар “XXXXXX” фермер хўжалигига нисбатан киритган даъво аризаси бўйича иш юритиш тугатилсин.

Даъвогар томонидан олдиндан тўланган 30 000 сўм почта харажати зиммасида қолдирилсин.

Мазкур ажримдан норози тараф бир ойлик муддат ичида апелляция тартибида шикоят бериши (протест келтириши) мумкин.

**Судья**

**Д.Турдиев**

